



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
“ИСТЕЪДОД” ЖАМҒАРМАСИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЁШ ОЛИМЛАР ВА ТАЛАБАЛАРНИНГ

## «XXI АСР - ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АВЛОД АСРИ»

худудий илмий-амалий конференцияси материаллари  
(28-29 май 2015 йил)

Фарғона - 2015

30	А.Собиров, А.Мирзаев. ИСТИҚБОЛДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	61
31	А.Бойбобоев, А.Орипов, А.Мирзаев. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА БОЗОР ИНФРАТУЗИМАСИ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	63
32	М.Орипова. ФОРС-ТОЖИК ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН “бе-” ВА ”но-” ПРЕФИКСЛАРИНИНГ СЕМАНТИКАСИ ХУСУСИДА	65
33	З.Рахманов, Р.Дўсматова. САМАРҚАНД СУҒДИНИНГ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ АНЪАНАЛАРИ	67
34	Z.Dadahonova, D.Ibragimova. MULTILINGUAL EDUCATION	70
35	З.Вахобова, Ф.Махсудова. СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	72
36	З.Абдурахмонова, М.Жалилов. ИЛК ЎСПИРИНЛИК ДАВРИДА ХАРАКТЕР ТИПЛАРИГА КЎРА АГРЕССИВ ҲОЛАТЛАРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ	73
37	Ҳ.Дўсмаатов. ҚОФИЯ ВА УСЛУБИЙ ТАКРОР ОҲАНГДОРЛИГИГА АСОСЛАНГАН АСКИЯ МАТНЛАРИДА СЎЗ ЎЙИНЛАРИ	74
38	Ҳ.Дўсмаатов, М.Зоҳиджонова, М.Ибрагимов. ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎЗЛАШГАН ФОРС-ТОЖИКЧА СЎЗЛАРДА РЎЙ БЕРГАН ФОНЕТИК ЎЗГАРИШЛАР ВА УЛАРНИНГ ИМЛОСИ (унли товушлар доирасида)	78
39	Д.Турдибоев. ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИДА ЁШЛАР МУАММОСИ	82
40	Д.Рахимов. ИНВЕСТИЦИОН ҲАМКОРЛИК КОРХОНА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА	83
41	А.Бойбобоев, Д.Топволдиев. САМАРАЛИ ТАДБИРЛАР НАТИЖАСИ	85
42	Б.Джалалов. ЎҚУВЧИЛАР АҚЛИЙ ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	86
43	Б.Джалалов, Г.Жумақулова. ЎСПИРИН ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ	87
44	А.Алохунов. ФАРҒОНА ИЛК КЎЧМАНЧИ ЧОРВАДОРЛАРИ ДАФН ИНШООТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ	88
45	M.G'.Yoqubov, I.T.Yo'ldashev. O'ZBEKISTON TARIXINI O'RGANISHDA MAHALLIY-TURIZMNING ANAMIYATI	91
46	M.Shermatova. TARIXIY HAQIQAT VA BADIY TO'QIMA ("Yulduzli tunlar" romani misolida)	94
47	Д.Шарипов. “МУВОЗАНАТ” РОМАНИДА АЁЛЛАР ОБРАЗИ	96
48	N.Qo'chqorova. “ONA TIL”, “O'QISH” DARSLIKHLARI ORQALI TA'LIM TAMOYILLARINI O'RGANISH	97
49	N.Qo'chqorova. BOSHLANG'ICH SINFLARDA ERTAK JANRINI O'RGATILISHI	100
50	М.Турдалиева, Ж.Камбаров. “UZSUNGWOO” ҚЎШМА КОРХОНАСИ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ ДИАГНОСТИКАСИ	103
51	Х.Курбоналиев. ТАЛАБАЛАР МОТИВАЦИЯСИНИ АНИҚЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ	107
52	D.Jurakuziyeva. SECOND LANGUAGE ACQUISITION	109
53	Д.Миркамолова. АСҚАД МУХТОР ҲИКОЯЛАРИДА ХАРАКТЕР ТАСВИРИ	111
54	М.Убайдуллаева, Н.Тохирова, Д.Топволдиев. МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ҲУДУДЛАР ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ БАҲОЛАШ	113
55	Н.Абдулазизова. “ОДАМ БЎЛИШ ҚИЙИН” РОМАНИДАГИ ОБРАЗЛАР ХУСУСИДА	114
56	М.Назаралиева. ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШДА ЎЙИНЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ	116
57	М.Олимова, Д.Исмоилова. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ БЎЙИЧА ДЕЛЬФИ ДАСТУРЛАШ ТИЛИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ ТАДБИҚ ҚИЛИШ	118
58	З.Абдурахмонова, Д.Карагаева. КАСБИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ	121
59	Н.Ҳолдаралиева. ЎҚУВЧИЛАРГА ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ БЕРИШДА ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МАЗМУНИ	123
60	Ю.Собирова. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИДА АУДИТОРИЯДАН ТАШҚАРИ ИШЛАРНИ	125

## ИНВЕСТИЦИОН ҲАМКОРЛИК КОРХОНА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА

Д.Рахимов, ФарДУ ўқитувчиси

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан буён жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиш ва “очиқ иқтисодиёт” қуриш йўлидан бормоқда. Ҳозирги кунда Ўзбекистон 150 дан ортиқ мамлакатлар билан савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатган, 40 дан ортиқ мамлакат билан ўзаро инвестицияларни ҳимоялаш, қўнгилли савдо тартибини ўрнатиш бўйича ҳукуматлараро битимлар имзолаган. Ислохотларни янада чуқурлаштириш ва инқирозга қарши чоралар дастуридан келиб чиқиб амалдийлаштириш дастури асосида янги технологияларни жорий этишга ҳамда модернизациялаш кўзда тутилган бўлиб, бунда фаолиятларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаларини изчил бажаришда инвестиция сиёсати ғоят муҳим ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий омил бўлиб ҳисобланмоқда.


Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маърузаларида «...жадал ва иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади»<sup>1</sup>, деб таъкидлаб ўтдилар. Шунинг учун фаолиятларни ривожлантириш ва янада рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратил-моқда. Ўзбекистонда бугунги кунда чет эллик инвесторлар учун кенг, қўлай имкониятлар яратилган. Жумладан, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни, “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3594 сонли фармони, ВМсининг “Хорижий инвестицияларни жалб этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги каби кўплаб ҳуқуқий воситалар мисол бўла олади.

Бу ҳуқуқий воситалар замирида юртимизнинг, қишлоқ ва шаҳарларимизни ободлиги мужассамдир. Шунинг учун ҳам республикаимиз иқтисодий субъектлар фаолиятини молиялаштириш бўйича кўплаб халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликни ўрнатган (1-чизма<sup>2</sup>).

<sup>1</sup>И.А.Каримов “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” мавзусидаги Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Фарғона ҳақиқати. 2015 йил. 21 январь, № 6 (22974) 16ет.

<sup>2</sup> Чизма муаллифлар томонидан ҳуқуқий восита ва иқтисодий маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди.

**Иқтисодий субъектлар лойиҳаларини  
молиялаштириш учун халқаро молия институтлари  
билан ҳамкорлик алоқалари**



Шунингдек, бугунги кунда Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, раванки, кўрки, иқтисодий салоҳияти жалб қилинаётган инвестициялар ҳажмига ҳам боғлиқдир. Ҳозирда Фарғона вилоятида хорижий инвесторлар иштирокида юздан зиёд корхоналар ишлаб турибди. 2014 йилнинг ўзида чет эл сармояси иштирокида 16 корхона ташкил этилди. Сўнги йилларда вилоятга жалб этилган инвестициялар ҳажми 8,6 триллион сўмдан ортиб, 2014 йилда бу кўрсаткич қарийиб 2 триллион сўмни ташкил этди. Ҳозирги кунда вилоят бўйича ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг тўртдан бир қисми шу корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида 2014 йилда 154,4 миллион доллар миқдоридан инвестиция ўзлаштирилиши орқали 550 та лойиҳа амалга оширилиб ҳаётга татбиқ этилган бўлса<sup>1</sup>, мустақиллик йилларидан бошлаб бугунги кунга қадар фақат енгил саноат тармоғига 500 миллион АҚШ долларидан зиёд хорижий сармоя жалб этилган.

Хулоса ўрнида бу рақамлар замирида янги иш ўринлари, бебаҳо меҳнат, қимматли вақт, аҳоли бандлиги, турмуш фаровонлиги, юрт тараққиёти ўз аксини топган бўлиб, мақсадимиз Ватанимизни янада обод, турмушимизни янада фаровон қилишга қаратилгандир.

### САМАРАЛИ ТАДБИРЛАР НАТИЖАСИ

**А.Бойбобоев, ФарДУ талабаси, Д.Топволдиев, ТАТУФФ талабаси**

Бозор иқтисодиёти муносабатларида ривожланаётган Ўзбекистон “Узсаноатқурилишбанк” фаолиятига эл-юрт ишонч билдираётганининг ўзи катта эътирофга сазовор бўлганлигини жаҳон экспортлари тасдиқламоқда, аҳил ва ташаббускор жамоа руҳланиб, кредит қўйилмалари бозоридаги муваффақиятли фаолиятини давом этирмоқда.

Бу орқали банк тадбиркорларни мақсадли молиявий қўллаб-қувватлаб хизмат кўрсатаётган корхоналарнинг молиявий ҳолатини соғломлаштиришга кўмаклашаётир. Энг муҳими банк иштирокида бутун қудрати ва нуфузи жихатидан дунёдаги энг йирик улкан иншоот – Сурғил конида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш, Қўнгирот сода ва Деҳқонобод калийли ўғитлар заводида ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, Шўртан газ-кимё мажмуасида синтетик суюлтирилган ёқилғи ва парафин ишлаб чиқариш, Шўртан ва Алан конларида синов компрессор станциясини бунёд қилиш каби

<sup>1</sup> М.Сулаймонов. Фаровонлик - тараққиёт ва бунёдкорлик самараси // Маънавият, 2015й.19март, № 6(404). 1-бет.